

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАВОИЙ БЎЛИМИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БИРЛАШГАН ҚАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ**

ФАН ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
75 йиллик юбилейига бағишланган
Республика миқёсидаги илмий ва илмий-техник конференция
материаллари
23-ноябрь 2018 йил**

1-ҚИСМ

**Тошкент-Навоий
2018**

72,3(5Ў)
Ф24

Республика илмий ва илмий-техник конференция материаллари
Тўплам ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, профессор
С.С.Гулямов, ЎзР ФА Навоий бўлими раиси, геология-минералогия фанлари доктори
А.У.Мирзаевларнинг умумий тахрири остида чоп этилган.

Масъул мухаррирлар:
ф.-м.ф.д, профессор М.В.Кремков, фалс.ф.н., доцент,
ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши раис ўринбосари Г.Ҳ.Тиллаева.

Конференциянинг котиблари:
тарих ф.н., к.и.х. ЎзР ФА Тарих институти к.и.х. О.Абдимўминов,
ЎзР ФА Навоий бўлими Ёш олимлар кенгаши раиси Ш.Ж.Куйлиева.

Ф24 «Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни/ Роль молодёжи в развитии науки и образования» Республика илмий ва илмий-техник конференция материаллари (23 ноябрь 2018 йил). –Тошкент: ЎзР ФА, 2018. 300-с. Тит. вароги ўзб. тилида. 300-с.

ISBN 9789943381759

Тўплам ЎзР ФА Кенгашида кўриб чиқилиб, чоп этишга тавсия этилди (17. 09.2018 йил Баённома № ПМҚ-30).

Эслатма: тўпламда келтирилган далиллар, манбалар ва ихтибослар учун жавобгарлик мақолалар муаллифлари зиммасида.

КБК 72,3(5Ў)

© *Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни; Роль молодёжи в развитии науки и образования/ Республика миқёсидаги илмий ва илмий-техник конференция.*
© *ЎзР ФА, 2018.*

таълим берувчи ўзининг янги гоёларини ривожлантириш ва такомиллаштириши педагогнинг иқтидорига, малакасига боғлиқ. Педагогик изланиш таълим бериш жараёнида доимо маълум йўналишдаги субъектга нисбатан аниқлаштирилган бўлади. Замонавий педагогик технологияда билим олувчиларнинг билимларини ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Республикада бўлаётган барча соҳалардаги ўзгаришлар яъни фан- техника ва инновацион технологияларнинг юқори суратларда тараққий этиши шунингдек ижтимоий соҳалардаги улкан ўзгаришлар барча турдаги таълим соҳаларида давр талабига ва жамият қонунларига мувофиқ равишда ўзгаришлар қилишга сабаб бўлмоқда. Таълим жараёнини самарали ташкил этишда ва кўзланган мақсадларга эришишда медиа воситаларидан яъни интернет, телевидения, видео, кино, телефон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш ўзининг натижаларини кўрсатмоқда. “Медиа”- лотинча “media” сўзидан олинган бўлиб, “восита”, “воситачи” ёки “оммавий ахборот воситалари” – деган маънони билдиради.^[1] Олий таълим муассасалари магистр ва бакалавр талабаларига таълим йўналишларида медиатаълим воситаларидан фойдаланиб маърузалар, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил қилишда яхши самара беради. Айниқса босма медиа воситалари ҳисобланган барча турдаги босма нашрлардан фойдаланиш талабаларнинг назорат ишларига тайёргарлик кўришлари ҳамда мустақил ишларини мазмунан талаб даражасида тайёрлашларига ижобий томонидан таъсирини кўрсатади. Илмий, оммабоб журналларда ахборотларни танлашда асосий воситалардан бири бўлиб қолади. Даврий журналларда маълумотлар батафсил ва чуқурроқ таҳлил қилишга имконият беради.

Замонавий дарснинг мақсади жаҳон педагогикасида эътироф этилган қоидалар асосида талабаларни ташқаридан кузатиладиган хатти – ҳаракатларини англаувчи феъллар билан ифодаланиши керак. Шу билан бирга дарс мақсадлари инсон фаолиятининг конгнитив (назарий билимларни эгаллаш), аффектив (ҳис-туйғулар, ижобий муносабатларни шакллантириш) ва психомотор (муайян хатти-ҳаракатларни уддалаш) соҳалари бўйича ҳам аниқ белгиланиши лозим. Нейролингвистик педагогикада эса, ўқув мақсадларини аниқ ўлчаш ва эришиш мумкинлиги, ҳақиқий (реал) ҳамда вақт бўйича меъёрлаштирилган бўлишини тавсия этади.

Дарс мақсадларининг юқоридаги талабларга мувофиқ белгиланиши, уни педагогик технологик қоидалари бўйича амалга оширишнинг негизи бўлиб ҳисобланади.

Замонавий дарс интерфаол тренинг шаклида ўтказилиши ва мантикий жиҳатдан ташкилий (тайёрлов), чақирув (даъват), англаш, мулоҳаза ва уйга вазифа беришдаги босқич (фаза) ларидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ташкилий босқичда одатдаги жараёнлардан ташқари кичик гуруҳларни шакллантириш, аклий ёки ҳаракатли ўйинлар ўтказиш, дарс мақсадларини муҳокама қилиш, лозим топилса уни талабалар таклифини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда яқдиллик билан қабул қилинишига эришиш, янги материални ўрганишга оид ўқув мативларини шакллантириш тавсия этилади.

Умуман олганда, замонавий дарсда ўқитувчи – ҳукмрон, ахборот берувчи ягона манбаа эмас, балки К.Рожерс (АҚШ) таъкидлаганидек фасилитатор, яъни талабаларни мустақил ўқиб – ўрганишлари осонлаштирувчи, уларга қулай шароит яратувчи шарт бўлиши лозим.^[4]

Адабиётлар:

1. <http://www.uza.uz>
2. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. -Т: 2001. – 68с.
3. Нишоналиев У. Н. Модульные педагогические технологии.- Профессиональное образование. М: 2002. - № 14. - С. 10-12.
4. Педагогическая технология / Под ред. Кукушкина В.С. – Серия «Педагогическое образование» - Ростов. Издательский центр Март, 2002. 103с

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ”ДА БУҒДОЙ АФСОНАСИ ҲАҚИДА

З. Шукурова - ТошДўТАУ ўқитувчиси.

Рабғузий “Қисаси Рабғузий” асаридан аботот оламининг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусияти ҳамда ўсимлик дунёсининг инсон ҳаёти ва тақдирига муносабати масаласи ҳақида қизиқарли ва ранг-баранг маълумотлар келтирадики, улар, асосан, Одам Ато ва Момо Ҳаво яшаган давр билан изоҳланади. Бинобарин, уларнинг жаннатдан қувилишида ҳам таъқиқланган мева сабабчи³⁶. Унинг қандай мева эканлигига қадимдан шу кунга қадар ҳамма қизиқиб келмоқда. Халқ оғзаки ижоди намуналарида маън қилинган мева ҳақида кўплаб афсоналар келтирилган бўлиб, уларнинг

³⁶Носириддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1990, 1-китоб 22-б

баъзиларида олма, анжир, беҳи, шафтоли³⁷, зайтун³⁸ эканлиги айtilган. Бутун дунёда машхур бўлган афсона вариантдан фаркли ўларокнега Рабгузий таъқиқлаган мевани бугдой дея талқин қилган?

Диний манбаларда ҳам таъқиқланган мева ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Хусусан, Қуръони Каримнинг Бақара сураси 35-оятда “Ва айтдик: “Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у холда золимлардан бўлиб қоласиз”³⁹ деб берилади. Кўринадики, Қуръони Каримда таъқиқланган мева ҳақида айtilган, бироқ унинг нималиги мавҳумлигича қолган. Демак, Рабгузий фақатгина Қуръонга таянмаган.

Иккинчи манба сифатида Библияни кўздан кечирамиз. Унда эса бу мева “Яхшилик ва ёмонликни англаш дарахти”⁴⁰ деб номланган. Поэтик тилда “Ҳақиқатни топиш”, “Моҳиятни англаш” истиоралари билан кўлланивчи бу дарахтнинг айнан шу ном билан аталишини олимлар маълум рамзлар билан боғлайдилар. Уларнинг фикрича, бу дарахтнинг илдизи инсоният тараққиётининг “беҳушлик ҳолати”, танаси “ўзини англашнинг бошланиши”, шохи ва барги эса “ўзини англаш воситаси”⁴¹ деб талқин қиладилар. Инсон онги тараққиётининг умумийликдан хусусийликка томон ривожланишини шу шаклда босқичма-босқич таҳлил қилсак, унинг мевасини “ўзини-ўзи англаш ҳосиласи” десак тўғрироқ бўлади, назаримизда. Демак, Библияда келтирилган таъқиқланган меванинг туб негизда рамзийлик ётади ва у инсоният онги тараққиётининг “портлаш” жараёни сифатида баҳоланиб, бугдой ҳақида ҳеч нарса берилмаган.

Кўплаб манбаларни ўқиб, таҳлил қилиб, уларнинг орасидан ҳақиқатга яқин деб билганини келтирган ижодкор “Дурустрак қавлда ул йигоч бугдой йигочи турур”⁴² деб изоҳлаб, таъқиқланган мева бугдой эканлигини мантиқан тушунтириб бадиий акс эттиради. “Мавло азза ва жалла Одам яратмазда ашну ер юзинда ҳалифа яратурман..... бугдойдан еди тесалар чикмоқга сабаб бўлгуси учун”. Демак, тақдири азалнинг ҳукми ҳамда бугдой инсоннинг яшаши учун зарурий ҳамда сермашаққат мева эканлиги унинг таъқиқланишига сабаб бўлган. Шунингдек, “Тақи жавоб: Изи азза ва жалла тақдир қилмиш эди. Дунёда одамийнинг еми бугдой бўлгусини хитоб қилди”⁴³ деган икки сабаб билан изоҳлайди. Демак, бугдой инсонларга Тангри томонидан юборилган махсулот экан. Фольклор намуналарида турли вариантда учровчи таъқиқланган мева ҳақидаги афсоналарда ҳар бир халқнинг тафаккур тарзи, дунёқараш ва илмий билишга бўлган эҳтиёжи нуқтаи назардан ёндашилган. Умуман олганда, таъқиқланган меванинг қандай вариантда келишидан қатъи назар унинг истеъмол қилиниши инсоният онги ривожининг, тафаккур тарзи тараққиётининг ибтидоси, ўзини англашга бўлган эҳтиёжнинг самараси сифатида қараш керак.

Адабиётлар:

1. Носириддин Рабгузий. Қисаси Рабгузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1990, 1-китоб 22-б
2. [googleweblight.com/i?u=http://myfholology.info/planta/yablonya.html](http://myfholology.info/planta/yablonya.html)
3. [googleweblight.com/i?u=http://myfholology.info/planta/figa.html](http://myfholology.info/planta/figa.html)
4. Қуръони Карим. Узбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 9-б
5. Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1-том. – Москва: 1990, С-6;
6. Библейского энциклопедия. Российское библейской общество. 1996. С-195
7. [googleweblight.com/i?u=http://myfholology.info/planta/wood-knew.html](http://myfholology.info/planta/wood-knew.html)

14-17 ЁШЛИСПОРТ МАҲОРАТИ ГУРУҲИ ФУТБОЛЧИЛАРИДА УМУМИЙ ВА МАХСУС ТЕЗЛИК СИФАТИНИНГ ДИНАМИК ЎЗГАРИШИ

Ш.Эркинов – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети таянч докторанти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 сентябрдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-394-сонли Қонунининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш» тўғрисидаги 2-бобида, «Спорт клублари ва мактаблари, спорт-таълим муассасалари, шу

³⁷ [googleweblight.com/i?u=http://myfholology.info/planta/yablonya.html](http://myfholology.info/planta/yablonya.html)

³⁸ [googleweblight.com/i?u=http://myfholology.info/planta/figa.html](http://myfholology.info/planta/figa.html)

³⁹ Қуръони Карим. Узбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 9-б

⁴⁰ Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1-том. – Москва: 1990, С-6; Библейского энциклопедия. Российское библейской общество. 1996. С-195

⁴¹ [googleweblight.com/i?u=http://myfholology.info/planta/wood-knew.html](http://myfholology.info/planta/wood-knew.html)

⁴² Носириддин Рабгузий. Қисаси Рабгузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1990, 1-китоб 20-б

⁴³ Носириддин Рабгузий. Қисаси Рабгузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1990, 1-китоб 22-б

		мухитни вужудга келтирувчи муҳим омил	
217.	В.С.Файзиёва.	Подъём экономической и культурной жизни ташкента в XV-XVI вв.	258
218.	М. Е.Hamidov.	Turizm madaniyatini yuksaltirish orqali turizm sohasining yanada rivojlanishini ta'minlash yo'nalishlari	259
219.	Р.М.Хайдаров.	Юқори малакали эркин курашчи қизларнинг натижалари	261
220.	Д.У.Халдибекова.	Дарслар самарадорлигини оширишда муҳандислик графикасини қўллашнинг афзалликлари	262
221.	Ф.Т.Халдибекова.	Баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни	263
222.	Ю.М. Халимбетов, Ё.С. Садикова.	Роль интеллектуальных ценностей в формирование духовно- жизненной позиций научной молодежи	264
223.	О. Хамидов.	Бургуттепа – Шимолий Бактриянинг сўнгги бронза ва илк темир асрига оид янги ёдгорлиги	265
224.	Н.Н.Алимов, Ш.С.Ачилов, Х.И.Хидиров.	Глобаллашув жараёнларининг ёшлар шаклланишига таъсири	266
225.	Г.Н.Хидирова.	Изучение проблем художественного перевода	268
226.	U.Q.Xoliqov , T.B.Abdullaev	Yoshlamishaxmat o'yini orqali kamol topishining ayrimxususiyatlari	270
227.	Ў.Қ. Хошимов.	Мактаб моддий-техник ҳолатидаги муаммолар ва ечимлар	271
228.	А.Худойқулов	Уюлмаган ёшларнинг девиант ҳолатларга берилишининг олдини олиш механизмлари	272
229.	N.R.Choriyeva.	Ta'lim tizimiga munosabat va taklif	272
230.	С.Р.Чўлпиев.	Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда венчур капиталининг ўрни	273
231.	O.R.Shamieva.	Pedagogik jarayonning psixologik asoslari	275
232.	М.А.Шаходжаев, Э.М.Бегматов, М.М.Мирзабоева.	Самарали дарс машғулотларини ташкил этишнинг замонавий услуби	276
233.	З.Шукурова.	“Қисаси Рабғузий” да бугдой афсонаси ҳақида	277
234.	Ш. Эркинов.	14-17 ёшли спорт маҳорати гуруҳи футболчиларида умумий ва махсус тезлик сифатининг динамик ўзгариши	278
235.	Ш. Эркинов.	14 ёшлик футболчиларнинг тезкорлик сифатларига креатинкиназанинг таъсири	279
236.	Н.А.Эшонкулова.	Эвдемония тушунчаси ва унинг фалсафий тафаккур тарихидаги талқинлари	281
237.	М.Қ,Юлдашева.	Ахборот хавфсизлигини таъминлашда ёшлар омили: таҳдид ваҳимоя	282
238.	З.Юсупов, З.Юсупов.	Болалар ўспиринлар спорт мактабларида ёшгандболчиларни танлаб олиш технологияси	283
239.	М.Б. Юлдошева	Аждодлар ва авлодларнинг аксиологик мулоқоти	284
240.	Ф.З.Юсупова.	Актуальность повышения интеллектуального, нравственного и творческого потенциала будущих специалистов	285
241.	Н.Ядгарова.	Неисследованные вопросы импрессионизма в живописи Узбекистана	286
242.	А.Р.Ҳамдамова	Экологик хавфсизлик тушунчасини ёшлар онгига сингдириш – давр талаби	287